

**Автомобиль транспортида юк ташиш хизматларини харид қилиш  
бўйича махсус савдо майдончасида электрон харидларни ташкил  
этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
ҚОИДАЛАР**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Қоидалар маҳсулотларни, шу жумладан Биржада сотилган юқори ликвидли маҳсулотларни, харидорларга етказиб бериш бўйича логистик хизматларни кўрсатишга мўлжалланган махсус электрон савдо майдончасида савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги атама ва тушунчалардан фойдаланилади:

**аванс тўлови** — Оператор томонидан белгиланадиган буюртмачи ва юк ташувчилар томонидан киритиладиган воситачилик йиғими ва бошланғич нархнинг 10 фоиз миқдоригачам бўлган закатни ўз ичига оладиган молиявий маблағлар суммаси;

**диспетчер-агент** – оператор томонидан белгиланган тартибда аккредитациядан ўткан, буюртмачи ва юк ташувчиларга топшириқ шартномаси асосида уларнинг электрон савдоларда қатнашишини таъминлашга доир профессионал хизматлар кўрсатадиган юридик шахс;

**оператор** — “Ўзбекистон республика товар-ҳом ашё биржаси” АЖ;

**буюртмачи** — махсус электрон савдо майдончасида юк ташиш хизматлари харидини амалга оширувчи юридик шахс;

**юк ташувчи** — таклиф қилинган шартларда электрон харидларда иштирок этиш ва харидларда ютиб чиққан тақдирда юк ташиш истагини билдирган хўжалик субъекти;

**ҳисоб-китоб-клиринг палатаси** (бундан буён матнда ХҚКП деб юритилади) — буюртмачилар ва юк ташувчилар томонидан киритилган пул маблағлари ҳисоби юритилишини ва улар ўртасида ҳисоб-китобларни амалга оширилишини таъминлайдиган Оператор таркибий тузилмаси;

**махсус электрон савдо майдончаси** (бундан буён матнда **майдонча** деб юритилади) — юк ташиш бўйича электрон савдолар ўтказилишини, улар тўғрисидаги эълонлар ва бошқа зарур бўлган ахборотнинг электрон шаклда жойлаштирилишини ва кўрилишини, шунингдек электрон харидлар ўтказилишини таъминловчи операторнинг махсус веб-сайти;

**харидлар** — шартномани бажариш учун энг яхши шартларни ҳамда энг арзон нарх таклиф этган, оптимал юк ташувчини танлаш усулини

тақдим этадиган, ушбу Қоидаларга мувофиқ ўтказиладиган электрон харидлар;

**электрон тизим** — барча манфаатдор шахслар фойдалана оладиган, юк ташиш бўйича харид субъектлари ўртасида электрон харидлар ўтказилишини таъминлайдиган ташкилий, ахборот ва техник воситаларнинг дастурий мажмуи;

**шахсий кабинет** — харидларда иштирок этишни учун зарур ахборотдан фойдаланишни таъминлайдиган, майдончадаги индивидуал саҳифаси. Шахсий кабинетга кириш учун электрон рақамли имзо ёки логин паролдан фойдаланилади;

**Электрон рақамли имзо** (бундан буён матнда ЭРИ деб юритилади) — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзонинг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

## **2-боб. Харидларни ўтказишга тайёргарлик кўриш**

3. Харидларни ўтказишга тайёргарлик кўриш қуйидагиларни ўз ичига олади:

буюртмачилар ва юк ташувчиларни электрон тизимда онлайн рўйхатдан ўтказиш;

буюртмачилар ва юк ташувчилар томонидан уларнинг харидлардаги иштирокини таъминлайдиган аванс тўловларни киритиш;

буюртмачиларнинг буюртмаларини (лотларини) шакллантириш.

4. Юк ташувчиларни электрон тизимда онлайн рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Оператор ўртасидаги электрон ахборот алмашинуви орқали амалга оширилади.

5. Буюртмачиларни онлайн рўйхатдан ўтказиш ЭРИ орқали амалга оширилади.

6. Буюртмачилар ва юк ташувчиларни электрон тизимда рўйхатдан ўтказиш бепул асосида ва чексиз муддатга амалга оширилади.

7. Рўйхатдан ўтказиш натижаларига кўра Оператор буюртмачи ва юк ташувчига:

аванс тўловлари ҳисоби юритиш учун алоҳида шахсий ҳисобварақларни очади;

шахсий кабинетни яратади.

8. Харидларда иштирок этиш учун буюртмачи мустақил равишда ёки диспетчер-агент орқали майдончада эълон жойлаштиради.

Заруратга қараб, буюртмачи эълонни ҳужжатлар билан тўлдириши мумкин.

9. Харидларда иштирок этиш учун буюртмачилар ва юк ташувчилар шахсий ҳисобварақларига аванс тўловларини ўтказишлари шарт.

### **3-боб. Юк ташувчиларга буюртмалар тўғрисида маълумотни етказиш**

10. Харидларни ўтказиш тўғрисидаги эълон қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

юк жўнатувчиси ва олувчиси бўйича маълумот;

юк тушириш ва ортиш омбори тўғрисида маълумот;

эълоннинг майдончада активлаштириш муддати (камида бир кун);

юк номи;

юк оғирлиги ва ҳажми;

харид предметининг бошланғич нархи;

юк тушириш ва ортиш вақти;

тузиладиган шартнома тури (кафолатли, кафолатсиз);

кафолатли шартнома тури бўйича киритиладиган закат пули миқдори;

юк ва ташишнинг алоҳида қоидалари тўғрисида қўшимча маълумотлар.

11. Оператор майдончада қуйидаги маълумотларга эркин киришни таъминлайди:

юк ташиш хизматлари бўйича харид ўтказиш тўғрисида эълонларга; инсофсиз юк ташувчилари реестрига.

12. Оператор харидлар амалга оширилиш жараёнини тўғри назорат қилиш, нархлар манипуляциясига қарши туриш, юк ташишларни мониторинг ва таҳлил қилиш мақсадида майдончада сақланадиган маълумотларга Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигига махсус шахсий кабинет яратади.

### **4-боб. Харидларни ўтказиш ва тузилган шартномаларни ҳисобга олиш**

13. Харидлар электрон тизимда буюртмачилар томонидан белгиланган мезонлар келиб чиққан ҳолда энг яхши шартларни ҳамда энг арзон нарх таклиф этган таклифларни танлаб олиш орқали амалга оширилади.

14. Электрон харидларни ўтказиш, киритилган аванс тўлови миқдорига мувофиқ савдоларга қўйиш, буюртмачи ва ғолиб юк ташувчи ўртасидаги битимни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек шартномани шакллантириш электрон тизимида амалга оширилади.

15. Юк ташувчилардан таклифларни қабул қилиш буюртмачи майдончада тегишли харид тўғрисида буюртмани эълон қилган пайтдан бошланади.

16. Юк ташувчилар эълоннинг бошланғич нархига тенг ёки ундан паст бўлган нарх таклифларини беришлари мумкин.

17. Юк ташувчилардан таклифларни қабул қилиш муддати тугаганидан кейин икки иш куни давомида буюртмачи юк ташувчилардан келиб тушган таклифларни ўрганиб чиқиб, ўзи учун энг мақбулларини танлайди.

Электрон тизим автоматик тарзда:

мақбул таклифлар ичидан энг арзон нарх таклиф этган юк ташувчини ёлиб деб белгилайди (битта мақбул юк ташувчи танланганда, ёлиб этиб шу юк ташувчи белгиланади);

буюртмачининг аризасида кўрсатилган шартларга ва ёлибнинг таклифида кўрсатилган нархга мувофиқ шартномани шакллантиради ва томонлардан воситачилик йиғими ундиради;

ёлибнинг номи ва унинг таклифини ёлиб аниқланган пайтда порталда акс эттиради;

нарх таклифини берган юк ташувчиларнинг, ёлибдан ташқари, блокланган аванс тўловларини бўшатади.

Агар буюртмачи икки иш куни давомида берилган таклифлардан мақбулини танлаб олмаса савдо бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади, буюртмачининг ва нарх таклифини берган юк ташувчиларнинг блокланган аванс тўловлари бўшатилади.

18. Электрон тизимда тузилган битим натижалари бўйича шартнома расмийлаштирилади.

19. Буюртмачи ва юк ташувчи савдоларда ўзларининг иштирокларини фақатгина ЭРИ орқали амалга оширадилар.

Буюртмачи ва юк ташувчи ўртасида ЭРИдан фойдаланган савдоларда иштироки натижасида мазкур майдончада тузилган шартнома тегишли шаклда тузилган ҳисобланади.

20. Буюртмачи ва ёлиб юк ташувчининг закат пули мазкур Қоидаларнинг 38-бандига мувофиқ кафолатли шартнома ёпилгунига қадар банд қилинади.

21. Шартнома шартларини бажармаган юк ташувчилар инсофсиз юк ташувчилари реестрига киритилади.

22. Инсофсиз юк ташувчилари реестрига киритилган юк ташувчиларига бир йил давомида харидларда иштирок этишига йўл қўйилмайди. Юк ташувчини инсофсиз юк ташувчилари реестрига киритилганлиги тўғрисидаги маълумот майдончада жойлаштирилади.

#### **5-боб. Тузилган шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш тартиби ва уларнинг ёпилиши**

23. Кафолатсиз шартноманинг бажарилишида Оператор иштирокчиларга битимнинг қарама-қарши томоннинг мажбуриятларни

бажариш кафолатларини бермайди ва тўловлар тўғридан-тўғри амалга оширилади.

24. Кафолатли шартнома тузилгандан сўнг, буюртмачи шартномада кўрсатилган муддатда ўзининг ҲҚКПдаги шахсий ҳисобварағига пул маблағларини ўтказди ва шахсий кабинети орқали шартнома бўйича тўлиқ тўловни амалга оширади. Бунда закат пули ва шартнома бўйича қолган тўлов қўшилиб тўлиқ тўловни ташкил этади.

25. Кафолатли шартнома бўйича тўлиқ тўлов амалга оширилгандан кейин, ҲҚКП буюртмачининг шахсий ҳисобварағида шартнома суммасини блоклайди ва бир иш кунидан кечикмаган муддатда, электрон шаклда тўлиқ тўлов тўғрисида хабарнома юборади.

Ушбу хабарнома автотранспорт хизматларини кўрсатиш учун юк ташувчига асос бўлиб хизмат қилади.

26. Агар буюртмачи кафолатли шартномада белгиланган муддатда тўловни амалга оширмаса, унинг закати ушбу муддат тугагандан кейин 2 иш куни ичида юк ташувчининг ҲҚКПдаги тегишли шахсий ҳисобварағига, сўнгра хизмат кўрсатиш банкидаги унинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

27. ҲҚКП томонидан тўлиқ тўлов тўғрисидаги хабарномасиз юк ташиш хизматлари кўрсатилган ҳолларда, буюртмачи томонидан кўрсатилган хизматларга тўловни тўламаслик билан боғлиқ хатарлар юк ташувчининг зиммасига юкланади.

28. Юк ташувчи кўрсатилган хизматлар бўйича маълумотни шахсий кабинети орқали юбориши лозим.

29. Оператор, буюртмачи хизмат кўрсатилганлигини шахсий кабинет орқали тасдиқлагандан кейин, бир иш куни ичида, юк ташувчи томонидан бажарилган мажбуриятлар миқдоридagi пул маблағларини буюртмачининг шахсий ҳисобварағидан юк ташувчининг шахсий ҳисобварағига, сўнгра хизмат кўрсатиш банкидаги унинг ҳисоб рақамига ўтказди.

30. Юк ташиш хизмати кафолатли шартнома бўйича тақдим этилмаган (автоулов хизматларидан воз кечиш) ёки тўлиқ таъминланмаган тақдирда, ҲҚКП Арбитраж комиссияси ёки суд қарорига асосан айбдор тарафдан закат пули миқдоридa жарима ундиради.

31. Жарималар акцептсиз тартибда ечилади, бунда буюртмачилар ҳамда юк ташувчилар мазкур Қоидалар билан белгиланган шартларни қабул қилиб, сўзсиз розилик билдирадilar.

32. Жарима буюртмачи ва юк ташувчининг ҳисобига тушгандан сўнг, шартнома ёпилади, мазкур шартнома бўйича буюртмачи ва юк ташувчининг барча блокланган пул маблағлари бўшатилади.

33. Ушбу Қоидаларда кўзда тутилмаган шартномавий мажбуриятларнинг бошқа бузилишлари учун айбдор томон Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгар бўлади.

34. Жарима тўланганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган томон бошқа томонга бунинг натижасида етказилган зарарни қонунда белгиланган тартибда қоплайди.

35. Юк ташиш хизмати тақдим этилмаган (автоулов хизматларидан воз кечиш) ёки тўлиқ таъминланмаганлиги, шартнома шартлари бажарилмаганлиги бўйича низолар юзага келган тақдирда, жарима қўллаш тўғрисида ариза буюртмачи ёки юк ташувчи томонидан Операторнинг арбитраж комиссиясига қафолатли шартномада белгиланган юк ташиш хизмати кўрсатиш муддати тугаган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай топширилади.

Аризани юбориш шахсий кабинет орқали операторнинг арбитраж комиссиясининг шахсий кабинетига иш кунлари соат 17:00 гача амалга оширилади.

36. Агар низо арбитраж комиссияси томонидан кўриб чиқилиши учун қабул қилинса, буюртмачи ва юк ташувчининг пул маблағлари арбитраж комиссияси қарор қабул қилгунига қадар блоклаб қўйилади. Низони арбитраж комиссияси томонидан кўриб чиқиш тартиби Операторнинг “Арбитраж комиссияси тўғрисида”ги Низомида белгиланади.

37. Қафолатли шартноманинг ёпилиши қуйидаги ҳолларда ХККП томонидан амалга оширилади:

буюртмачи ва юк ташувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар лозим даражада бажарилганда;

буюртмачи ва юк ташувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда ва улар томонидан жарима тўлангандан сўнг;

буюртмачи ва юк ташувчи жарима тўлаб/тўламасдан шартномани ёпишга ўзаро рози бўлганда;

шартномада кўрсатилган муддат давомида эътирозлари бўлмаганда, жарималарсиз;

Операторнинг арбитраж комиссияси қарорига кўра.

38. Томонларнинг шартномани жарима ундириб/ундирмасдан муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги ўзаро келишуви буюртмачи ва юк ташувчининг шахсий кабинети орқали ЭРИ ёрдамида амалга оширилади.

39. Буюртмачи ва юк ташувчи ўртасидаги шартномаларнинг бажарилиши тўғрисида барча хабарномалар уларнинг шахсий кабинетлари орқали амалга оширилиши керак.

#### **6-боб. Харидлар иштирокчиларининг жавобгарликлари**

40. Буюртмачи қуйидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

ЭРИдан тегишлича фойдаланилиши;

шахсий кабинетдан тўғри фойдаланилиши;

жойлаштирилган эълонлардаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва сифати;

шартнома шартларини ўз вақтида бажариши.

41. Юк ташувчи қуйидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

юк ташувчи эълон шартларининг миқдорий, сифат, техник кўрсаткичларга, шунингдек, эълонда қўзда тутилган шартлар бўйича хизматларни кўрсатиш вақти ва жойи шартларига мувофиқлиги;

ЭРИдан тегишлича фойдаланилиши;

шахсий кабинетдан тўғри фойдаланилиши;

шартнома шартларини ўз вақтида бажариши;

харидлар шартларининг бошқача бузилишлари.

42. Оператор қуйидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

харидлар ўтказиш тўғрисидаги эълонларни майдончада ўз вақтида жойлаштирилиши;

электрон тизимининг узлуксиз ишлаши.

#### **7-боб. Яқуний қоидалар.**

43. Ушбу Қоидаларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

44. Мазкур Қоидалар биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланган ва биржа сайтида эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.